



Ма'рифат

MA'RIFAT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * مهر فن

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 18 октябрь, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.

41 (6687)

21 ОКТАБРЬ — ТИЛ БАЙРАМИ

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ

Ўйдош САИДЖОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари, «Давлат тили туғрисида»ги Қонуннинг халқ таълими тизимида бажарилишини таъминлаш бўйича вазирлик доимий ишчи гуруҳининг раиси.

Яна бир катта байрам арафасида. Уч кундан сунг мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг олти йиллиги нишонланади. Бугун жонажон Ўзбекистонимизнинг шаҳар ва қишлоқлари меҳнат жамоаларида, шу жумладан халқ таълими тизимининг барча муассасаларида давлат тилига бағишланган хилма-хил тадбирлар — бадиий кечалар, илмий анжуманлар, ҳафталиклар, курик-таъловлар, давра суҳбатлари, тишлунос ва суз усталари билан учрашувлар — ҳамма ҳаммаси маънавиятимиз таянчи бўлган ўзбек тили бойлигини куз-куз қилади, унинг давлат тили мақоми олганлигининг аҳамияти ва моҳиятини ҳар бир фуқарога янада чуқурроқ аниқлатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов алоҳида қайд этганидек, «Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавий белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради...».

«Давлат тили туғрисида»ги Қонун амалга ошириш юзасидан Республика ҳукумати ишлаб чиққан дастур асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳам ушбу тизимга жараёнида она тилини урганлиш олдига тамома янги талабларни, янги мақсад ва вазифаларни қўйган ушбу дастурни ишлаб чиқди.

Аввало, ўзбек тилининг умумтаълим мактабларида ўқитилиши давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралди. Зотан, ушбу келатган еш авлодни ҳар томонлама камол топтиришда, утил-қизларга умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат, миллий тилга эътиқод ва ғурур туғишунинг таркиби топтиришда она тилининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис, биринчи навбатда, ташки-

лий ишларга эътибор қаратилди. Бу борада Вазирлик қoшида тузилган «Давлат тили туғрисида»ги Қонунни халқ таълими тизимида бажарилишини таъминлаш бўйича доимий ишчи гуруҳи ҳам катта ташкилий ишларга бош-қoш бўлди. Вазирлик тасарруфида барча ташкилотларда ўзбек тилини урганлиш бўйича семинар ва курслар ташкил этилди. Қонунни тарғиб этишда телевидение курсатувлари ва радио эшиттиришларидан, айниқса, педагогик матбуотдан кенг фойдаланилди. Халқ таълими тизимининг барча таълим муассасаларида 21 октябрь — Давлат тили байрами деб эълон қилинди ва у ҳар йили тантанали нишонланиб келинмоқда.

«Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий анжуманининг таъсис этилганлиги ва уттан давр мобайнида унинг республика миқёсидаги уч йилгичининг ўтказилганлиги она тили ўқитилишининг муаммоларини урганлиш, ҳал этишда, айниқса, катта аҳамият касб этди. Ҳар бир йилда қурилган масалаларга доир маърузалар тўплам ҳолида чоп қилиниб, оммалаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бутунги кунда вазирлигимизда, Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлигида, барча вилоят халқ таълими бошқармаларида, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасида, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларида «Давлат тили туғрисида»ги Қонунни бажарилишини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳлари тузилганидан буён мунтазам иш олиб бормоқдалар. Ўзбек тилини урганлиш ва ўқитиш бўйича жойлардаги аҳволни таҳлил этиш, илгор тажрибаларни оммалаштириш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш, тавсиялар ишлаб чиқиш—булар иш-

чи гуруҳлари фаолиятининг асосий мундарижасидир.

Вазирлигимизда тузилган доимий ишчи гуруҳи (комиссияси) фақат 1995 йилнинг уздаёқ Сурхондарё, Хоразм, Жиззах вилоятлари, Тошкент шаҳридаги таълим бунёдлари ҳамда малака ошириш ва педагогика илмий тадқиқот институтларида «Давлат тили туғрисида»ги Қонунни амалга ошириш масалаларини, шунингдек, вазирлик бошқарма ва бўлимларининг давлат тилида иш юритиши аҳволини куриб чиқди. Навоий вилояти халқ таълими ўқитиш ташкил этишдаги тажрибасини вазирлик ҳайъати йиғилишида муҳокама этишга тавсия қилди. Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Ангрэн педагогика институтларининг ўзбек тилини ўқитишга доир ишлари доимий ишчи гуруҳи йиғилишларида муҳокама этилиб, яхши иш тажрибалари оммалаштиришга тавсия этилди.

Умуман, Қонун қабул қилингандан буён амалга оширилган барча ташкилий-амалий ишлар республикамиз богча, мактаб, ҳунар-техника, олий ва урта махсус ўқув ўзидарида ўзбек тилини ўқитишнинг мазмунан янгилашга, таълим жараёнини такомиллаштиришга бошқарма бошқармачи замин яратиб келмоқда. Фикримизнинг далили учун она тили ва адабиети таълими бўйича олиб борилаётган ишларга назар ташлаш kifойдир. Жумлалан, 5—9-синфлар учун она тилидан муқобил дастурлар ва дарсликлар яратилди. 1993 йилда ана шу дастурлар ва 1993—1994 йилларда мактабларда синаб куриш учун «Она тили» дарсликлари нашр қилинди.

(Давоми 2-бетда)



Қўннинг тилига тушиши, ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлиши осон эмас. Бунинг учун инсон меҳнатининг баридан тутиб ишлаши, элу-юрта имкон қадар кўпроқ ваффи тегиши, ҳар неки ишга кул урса, халққа манфаати мул, яхшилиги устивор бўлиши кераклигини унутмаслиги лозим.

«Хурмат — меҳнатнинг меваси» дейишлиги ҳам бежиз эмас-да, албатта...
Узоқ йиллардан буён пойтахтимиздаги 28-урта мактабда утил-қизларга ўзбек тили ва адабиети фанидан сабоқ бериб келатган фидойи муаллима, назокатли ва дилбар аёл Оромжон Тошқулатова ҳам ушбу она шу инсоний хислатларни тула-туғис муҳассамлангирча олган меҳри даре муаллимлардан.

Оромжон Тошқулатованинг навбатдаги машғулотни пайтини суратлаш Равий Альбеков муҳраб қилган.

Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавий белгиси сифатида кишиларни яқин жипслаштиради.

Ислом КАРИМОВ.

ЖОН ТИЛИМ

Она тилим — жон тилим, Жонгинам қурбон тилим. Бешик алласи билан Очилган бийрон тилим. Ҳақнинг энг буюк лутфи, Беназир эҳсон тилим. Ҳадиси шарифлару, Тафсири Қуръон тилим. Давлат мақомидаги Темирий султон тилим. Мир Алишер «Хамса»си, Туркистон, Турон тилим. Мирзо Улуғбек зихи, Тонготар Чўлпон тилим. Куб бошлар кетди увол, Мийлий қатағон тилим.

Турк қавми-Исо нафас, Тирилган иймон тилим. Тафаккурлар жилоси, Ки, нафис гулдон тилим. Истиклолга тасаддуқ, На банд, на афрон тилим. Ахтари Саъди киби Кечалар афшон тилим. То тирикман, маърифат Байтига нишон тилим. Она тилим — жон тилим, Мустақил жонон тилим.

Султон АКБАРИЙ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

«Маърифат» хабарлари

ТАКОМИЛ САРИ

Чуст педагогика билим юртида урта педагогика ўқув юртининг фаолиятларини такомиллаштиришга бағишланган семинар-кеңаш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган вакиллар иштирок этиб, қизгин мунозаралар олиб бордилар. Кеңаш сўнгида «Урта педагогика ўқув юртилари фан методбирлашмаларининг Низоми» лойиҳаси ва бу билим даргоҳларида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга доир қарор қабул қилинди. Маорифимизнинг яна бир жаҳаси тез орада такомил топиб қолса, ажабмас.

МУАЛЛИМНИНГ ТЎЙИ

Иштихон туманидаги 43-мактаб директори, халқ маорифи аълочиси Аҳмад Шодиевнинг 60 ёшга тулганлиги ва ўқитувчилик қилётганига 42 йил бўлгани муносабати билан мактабда тантанали йиғилиш ўтказилди. Анжуманда тумандаги барча таълим олимлари ва мактаблардан вакиллар келиб қатнашдилар. Директор етакчилигида мактабда амалга оширилаётган хайрли ишлар бир-бир тилга олинди. Қатнашчиларнинг таъкидлашларича, ўқитувчининг байрами мактабнинг шодиевонасига айланиб кетди.

НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

16 октябрь кунини Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили туғрисида»ги Қонунининг халқ таълими тизимида бажарилишини таъминлаш бўйича Халқ таълими вазирлиги доимий ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи М. Жуманиевнинг «Хоразм вилояти халқ таълими бўлимларида «Давлат тили ҳақида»ги Қонун 15-бандининг бажарилиши» ҳамда вазирлик доимий ишчи гуруҳининг маъсул котиби Ш. Т. Далаловнинг «Педагогик матбуотда «Давлат тили туғрисида»ги Қонун бажарилишини ериштириш аҳволи» мавзусидаги ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Йиғилишда доимий ишчи гуруҳи раиси Й. С. Саиджонов кун тартибидagi масалаларга яқун ясаб, навбатдаги вазифалар ва 21 октябрьда нишонланадиган «Тил байрами»ни ўтказиш бўйича олиб борилаётган тайёргарлик ҳақида сузлаб берди.

ЭНГ ЯХШИ НАРСАЛАР... ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҲАМ

Хоразмлик халқ таълими ходимлари учун Урганч шаҳрининг серфайз, боғлироғли қисмида 100 уринлик янги санаторий ишга туширилди. Эндликда икки гектар майдонни эгаллаган ушбу соғломлаштириш масканда зиекорлар учун ошхона, бассейн, клуб каби барча қулайликлар яратилган. Муаллимлар ҳам бир яйрашсин-да...

ХИВАЛИК ИҚТИДОЛИ БОЛАЛАР УЧУН

Алишер Навоий номи Хива педагогика билим юрти қoшида иқтидорли ёшлар лицей-интернати иш бошланди. Тасвирий санъат, математика ва шарқ тиллари гуруҳлари бўйича бу ерда таълим олувчи талабалар учун барча қулайликлар мавжуд: замонавий ўқув биноси, етоқхона, яхши жиҳозланган ўқув хоналари, тажрибали устозлар, спорт майдончалари, бепул иссиқ овқат ва ҳоказо. Бу қулайликлар эвазига эса, болалардан биргина нарс — билим талаб қилинмоқда.

20 ЙИЛДАН СЎНГ

Қорақалпоғистон республикаси Конлик туманидаги Н. Довқороев номи урта мактабда булдан 20 йил олдин битирган синфдошларининг учрашуви бўлиб ўтди. Жуда кўнглили уттан бу дийдор дамларида собиқ ўқувчилар ўз устозларига кимматбах соваглар топширишди ва биргаликда эсдалик учун суратга тушдилар. Албатта, барча байрамларда бўлганидек, ушбу учрашув ҳам қуй-қушиқ ва рақслардан мусово ўтмади.

БИЗНЕС МАКТАБИДА АМАЛИЙ ДАРС

Ақмал Икромов туманидаги бухгалтерлик ва бизнесга ихтисослаштирилган 194-мактабда туман физика, математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанлари ўқитувчиларининг ноънаваний семинар дарслари ўтказилди.

Семинар дарсларида мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари техника восталари ҳамда кургзамали қурооллардан моҳирлик билан фойдаланиш, ўз максалларига эришшлар, Улар Бизнес соҳасини урганлишда физика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ҳамда бухгалтерия ҳисоби дарсларининг ўрни беқиёслигини исботлай олдлар. Машғулотлар, туман ўқитувчиларига манзур бўлди.

Ўз ва жамоатчи муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида

ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

Янги ўқув йили қандай бошланди? Яна қандай муаммолар пайдо бўлди? Уларни қандай бартараф қилиш мумкин? Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида «Таълим муассасаларида 1995—1996 ўқув йилига тайёргарлик ишларининг якунлари ва навбатдаги вазифалар ҳақида»ги ана шу масала куриб чиқилди. Маъзур масала юзасидан умумий урта таълим бошқармаси бошлиғи Гулнор Яхсевичнинг ахбороти тингланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1994—1995 ўқув йили вазирлик тизимида «Таълим туғрисида»ги Давлат Қонунини, Республика Президенти ва ҳукуматининг таълимга оид фармонлари ҳамда қарорларини илтифат билан амалга ошириш, шу асосда таълим соҳасида давом этаётган туб ислохотларни янада чуқурлаштириш, ўқув-тарбия ишлари самардорлиги ва сифатини яхшилаш, бошқарув, назорат олиб боришнинг таъсирчанлигини таъминлаш бўйича ишларни йили бўлиди.

Бозор иқтисодиети талабларига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлашга, халқ ҳунармандчилиги йуналишидаги касбларни ешларга ўргатишга эътибор кўчаттирилди. Еш авлодини тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Таълим муассасалари фаолиятининг иқтисодий, ташаббускорлик, фаолиятини таҳлил эта билиш, диагностика таҳлил, бошқаруви демократиялаштириш ишларида бир қатор янгиликлар таъкиб этилди.

Фарғона вилояти Бағдола туманидаги мактабларда ўқувчиларни блок тизими асосида тест синовларига тайёрлаш бўйича яқинбакил машғулотлари ўтказилиши, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг айрим мактабларида ўқувчилар билимини кўп бадилик тизим асосида беқолаш каби янгиликлар шулар жумласидандир. Мактабга тарбия муассасаларининг ноънаваний шакллари ҳам кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга халқ таълими тизими муассасаларининг иш фаолиятларида бир қатор камчиликларга ҳам йул кўрилди.

Асосий муаммолардан бири дарсликлар масаласидир. Тезкор маълумотларга эъра режадаги 77 номадги дарсликларнинг 72 таси нашр этилган. Устига-устак нашр этилган дарсликларнинг 36 номадигисинга мактабларга етиб борган. Шу масаланинг уздан «нега» билан бошланадиган икки савол туғилди. Иккинчиси

ҳам гап бориб маблагга тақаллади. Демак, бу тизим қайта куриб чиқилиши, яъни кам харчи, шунингдек кўпроқ маъсул олганидан еки иш урғини юқори бўлидиган тартибга тузилиши лозим бўлади. Бу эса тизимсиз иланиш, аниқ ҳисоб-китоб фидойиликсиз амалга оширмайди, албатта. Асосийси, дарсликлар тез фурсатда мактабларга бекам-куст етказилиши керак.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида август кеңашларининг ноънаваний тарзда утганлиги, одобнома дарси учун 10-синфгагина эмас, қуйи синфларга ҳам соат ажратилганлиги таъкидланди. Айниқса, янги ўқув йили режасига «Иқтисод адибоси» (бошланғич синфларга), «Иқтисодий билим асослари» (V—XI синфларга) каби янги курслар киритилганлиги аини муздаб бўлди. «Иқтисодий билим асослари» курси бўйича IX синфда «Иқтисод сабоқлари», «Солиқ тизими» ва «Солиқ ҳақида», X—XI синфларда «Иқтисодга киритиш», «Иқтисод асослари», «Солиқ сие-сати» ва «Солиқлар» бўлимлари урганилади. Энг муҳими муаллимнинг бу дарсларни ўқувчи қабул қила оладиган даражада ўта билишларидир. Бу борада «Маърифат» газетаси ҳам маълумот тулаб, турли фикрлар бериб боради, албатта.

Ҳайъат мажлисида барча камчиликлар очик айтилди ва уни бартараф этиш масалалари мутасадди раҳбарлар зиммасига юклатилди. Энди ушбу мажлисла айтилган айрим рақамларнинг эътибориниғизга ҳавола қилами: 1995 йили 9-сентябр 422677 нафар ўқувчи битирди. Улардан режа бўйича 260760 урғинга 257520 ўқувчи 10-синфга, 611100 ўқувчи 1-синфга қабул қилинди. «Ўқитувчи» наشريети 1995 йили 26 млн 241 минг нусхада ўзбек ва рус тилларида дарсликлар нашр этишини режалаштириб, 22 млн. нусхасини чоп этиб, жойларга жунатди. Қолганлари босиб булинди, муқоабол материаллар танқислиги учун босмаҳоналарда турбиди.

Ҳайъат йиғилиши қурилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди. Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги Жура Йўлдошев бошқариб бори.

Ўз муҳбиримиз.



СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «МАЪРИФАТ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

ОБУНА-96

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Қадрли халқ таълими ходимлари: муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар ва талабалар!

Доимий ҳамроҳингиз, яқин дўстингиз ва маслаҳатчингиз, ўз қадрдон нашингиз — «Маърифат» газетасига шу йил 1 октябрдан 1996 йил учун обуна бошланди. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

Фуқаролар учун:

1 йилга — 492 сўм
6 ойга — 246 сўм
Фуқаролар учун нашр индекси — 64595

Корхона ва ташкилотлар учун:
1 йилга — 648 сўм
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683

Алоқа ва почта хизматлари яқинлиги ва гавжумлиги инобатга олиниб, Тошкент шаҳри учун алоҳида обуна нархи белгиланди.

Фуқаролар учун:
1 йилга — 360 сўм
6 ойга — 180 сўм
Фуқаролар учун нашр индекси — 64595

Корхона ва ташкилотлар учун:
1 йилга — 648 сўм
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683

Назн дафтарида

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

ФЕЪЛ

ФЕЪЛ булмаса булмайд...

СИФАТ

Мен СИФАТман, СИФАТман...

ОЛМОШ

Сондан улуг, Отдан ёш...

Хеч ким, хеч нарса дейди...

СОН

Сонлар ТАРТИБ ва САНОҚ...

РАВИШ

Ўхшаб кетар сифатга...

ОТ

Бош сўз туркум ОТИР у...

Неъмат АМИНОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

МАҚОМ СЎҚМОҚЛАРИДА...

Хажвия

Жамоа — қолхоз идораси...

— Қанақаси булсам...

Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувибарнинг ўзи камбағалдир.

Абдулла КОДИРИЙ.

— Яхши, бера қолинг...



Кизим, чарос кузларинг хайрон...

Мана — «бешки», буниси — «курпа»...

Жонбахи томирлар

Сунги йилларда ижтимоий воқе...

ган умумтаълим мактабларининг...

ТИЛ ВА ДИЛ БИРЛИГИ

Фонетика бўлимида ўзбек тили...

«ОТ КИШНАГАН ОҚШОМДА»

ТАНТАНАСИ

Марварид шаҳар Тошкентнинг...

Битирувчи курс талабалари ва дипломли шахслар учун АҚШ университетлари аспирантурасида ўқиш имкониятлари

1996 йил Эдмунд С. Маски стипендиаси дастури

АҚШ Ҳукумати 1996 йил учун Мустақил...

«МАЪРИФАТ» ТАЪСИС ЭТУВИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги...

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтти тартиби № 20. Рақам ва дақиқларнинг ҳаққонийлиги учун...